




OLIMA AYOLLAR- MILLAT KELAJAGINING TARBIYACHISI

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
ANJUMAN MATERIALLARI**



**TOSHKENT
2024-YIL 13-FEVRAL**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA‘LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OILA VA XOTIN-QIZLAR QO‘MITASI

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

O‘ZBEKISTON XOTIN-QIZLAR “OLIMA” UYUSHMASI

**OLIMA AYOLLAR-MILLAT
KELAJAGINING TARBIYACHISI**
Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari

11 fevral-“Ilm-fan sohasidagi ayollar va qizlar xalqaro kuni”ga bag‘ishlanadi

**Toshkent
2024-yil 13-fevral**

учун фақат бир ҳужжат билан маълум ижтимоий сиёсий масала устида қатъий фикр юритиб бўлмайди.

Этнографик манба хусусида гапирадиган бўлсак, халқларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган материал ва маълумотлар, масалан, халқ қабила ва уруф номлари, инсон қўли ва ақл-заковати билан яратилган қурол ва буюмларнинг нақш ва безаклари, кишилар онгида, шуннигдек, оғзаки ва ёзма адабиётда сақланиб қолган ўтмиш сарқитлари, кишиларнинг турмуш тарзи этнографик манба ҳисобланади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, манбани фақат унинг бир ўзида келтирилган факт ва маълумотларга қараб баҳолаб бўлмайди. Баъзи ҳолларда келтирилган далиллар сохта, баён этилаётган воқеа эса сохталаштирилган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бирон асар ҳақида қатъий бир фикр айтишдан аввал уни ўзига ўхшаш бошқа асар билан солиштириб кўриш, келтирилган. Далилларни бир-бири билан солиштириш ва текшириш зарур. Бусиз бирон тарихий воқеага материалистик ёндашиб бўлмайди.

Хулоса ўрнида шундай дейиш мумкин, манбашунослик фани юртимиз тарихи тўғрисида ҳолис ва объектив билим олишга, ўзлигимизни англашга, бой ва қадимий маданиятимизни билишга хизмат қилувчи тарих фанининг муҳим соҳалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Б.Аҳмедов. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари.
2. А.Мадраимов, Г.Фузаилова. Манбашунослик.
3. Историко-культурные контакты народов алтайской языковой общности. (XXIX) Сессия. Ташкент.

БОБУР МИРЗОНИНГ АЁЛЛАРГА МУҲАББАТИ ХУСУСИДА

Ахмедова Шоира Нематовна

филология фанлари доктори, БухДУ

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори

Аннотация. Мақолада буюк шоҳ ва шоир, адиб Захириддин Муҳаммад Бобурнинг аёлларга муносабати, уларни қай даражада ардоқлаши ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: шоир, адиб, “Бобурнома”, тарихий-мемуар асар, биография, малика Гулбаданбегим, рубоий.

Абстрактный. В статье рассматривается отношение великого царя и поэта, писателя Захириддина Мухаммада Бабур к женщинам, в какой степени он их почитал.

Ключевые слова: поэт, писатель, “Бабурнома”, мемуарно- исторический произведение, биография, принцесса Гулбаданбегим, рубаий

Халқимиз учун муқаддас бўлган оилалар ҳаётимизнинг таянчидир. Оиланинг соғломлиги, бағрининг бутунлиги аёл - Она билан боғлиқ. Зеро, оиланинг тинчлиги ва фаровонлиги, эртанинг эгаси оқил фарзандлар тарбияси аёлга боғлиқ. Шонли тарихимизга назар ташласак, соҳибқирон Амир Темур ҳам аёлларга нисбатан меҳрибон, ўта шафқатли бўлганларини кўрамиз. Ҳаётда аёлларнинг ўрнига алоҳида аҳамият қаратганларки, шунинг учун ҳам фарзандлар, неваралар тарбиясини оқила Сароймулкхоним тарбиясига ишониб топширганлар. Миллатимизнинг фахри Ҳазрати мирзо Бобур ҳам буюк бобоси Амир Темур анъаналарини ҳар томонлама давом эттирганини кўрамиз. Айниқса, унинг аёлларга эҳтироми бўлакча экани кўзга ташланиб туради.

Аввало шуни айтиб ўтиш лозимки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк шоир, шоҳ ва марказлашган давлат қурган йирик давлат арбоби бўлиб етишувида Аёлларнинг – онаси Қутлуғ Нигорхоним ва бувиси Эсондавлат бегимнинг, кейинчалик малика Моҳим бегимнинг роли жуда катта бўлган.

Онаси оқила ва меҳрибон Қутлуғ Нигорхоним, ақлли ва тадбиркор, бир кентни бошқаришга кучи етадиган мулоҳазакор бувиси Эсон Давлат бегимнинг тарбияларини олган Бобурнинг ёш қалбида Аёлга бўлган юксак ҳурмат жуда эрта ўсгани маълум. Онаси ҳақида “Бобурнома”да: “Иккинчи қизи манинг волидам Қутлуғ Нигорхоним эди. Аксар қазоқликларда ва фатаротларда манинг билан билла эдилар. Кобулни олгандин беш-олти ой сўнгра, тарих тўққуз юз ўн бирда Тенгри раҳматиға бордилар”¹, - деб ёзади.

Бобур онаси Қутлуғ Нигорхонимни “Бобурнома”да ўн уч ўринда тилга олади. Асарда “менинг волидам”, “менинг онам”, волидам”, “волидахоним”, “онам”, “онам хоним” жумлалари билан энг кўп тасвирга олган аёл образи ҳам аслида онасидир...

Доим Бобур билан бирга бўлган фидоий она, ўрни келганда оналари, иниларига қўшилишга интилган, аммо “хеч навъ риоате ва шафқате кўрмаган” заифа хоним, тахтсиз шоҳ ўғлининг ягона чодирда паноҳ ва ҳимоя топган муштипар она...ўғли катори “сура-сура ташвишлар кўрган”, “хейли сазоворлик кўрмаган” қайин она..., ўғли Бобур кўлида “тенгри раҳматиға бориб” тоғ этагида Улуғбек Мирзо Қобулий барпо қилган боғ – “Боғи Наврўз”да (бу боғнинг эгаларига Бобур бир минг танга мисқол танга бериб рози қилганлигини Гулбаданбегим “Ҳумоюнномада ёзиб қолдирган экан) мангу макон топган раҳматли она сиймоси кўз олдимизга келади².

Инглиз шарқшуноси ва биографик асарлар муаллифи Ҳаролд Ламб ўзининг “Бобур – йўлбарс” асарида Бобурнинг онаси ҳақида шундай ёзади: “ Бобурнинг онаси отасига қараганда, камтарона ҳаёт кечирар эди. У отаси, Тошкент хони Юнусхоннинг хоҳиши билан Умаршайх Мирзога никоҳлаб берилганди. Маликанинг ихтиёрида унинг кўнгилхушлиги учун хизмат қиладиган санъаткорлар - ҳофиз ва ҳофизалар бўлса ҳам, у унчалик дилхушликка берилмас, ва асосан, бош малика сифатида болалар тарбияси ҳамда саройдаги ички хизматни назорат қилиб турарди”³. Кўринадики, Қутлуғ Нигорхоним болалари тарбиясига алоҳида диққат қаратган.

Бобур она томондан бувиси Эсон Давлат бегим ҳақида ҳурмат билан ёзади: ”Хотунлар орасида раъй ва тадбирда менинг улуғ онам Эсон Давлатбегимча кам бўлғай эди, бисёр оқила ва мудаббира эди. Кўпроқ иш-куч аларнинг машварати била бўлур эди”⁴.

Яна “Бобурнома”да ёзади: “Зийраклик ва узоқни кўра билишда анча-мунча аёл у билан тенглаша олмас эди. У бўладиган воқеаларни олдиндан сезар ва уларга қарши зарур чоралар кўра олар эди”.

“Бобур-йўлбарс”да ҳам ўқиймиз: “Эсон Давлатбегимнинг ўз эрига бўлган садоқати ва жасорати ҳақида афсоналар тўқилган, шу боис ҳам у Юнусхон измидаги сарой маликалари ичида энг юқори мартабалиси ҳисобланарди...

Эсон Давлатбегим кўп қийинчиликларни бошидан кечириб, ҳаётий тажриба тўплаган ажойиб аёл эди. У кўчманчилик давомида рўй берадиган хавф-хатарни олдиндан сезар ва қийин аҳволдан қандай қилиб чиқиб кетиш йўлларининг режасини аввалдан тузиб қўярди. Унинг узоқни кўра билиш қобилияти ва зийраклиги гўёки

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. “Юлдузча”. 1989. 13-бет.

² Ражабова Б. Оналар билан суҳбат. Тошкент. Turon zamin ziyo.2014.47-бет.

³ Ҳаролд Ламб. Бобур – йўлбарс. Тошкент. “Ўзбекситон”. 2018. 16-бет.

⁴ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. “Юлдузча”. 1989. 25-бет.

Бобур вужудига кўчгандай эди ва бу хислатлар ёш шахзоданинг оғир кунларида жуда кўл келди”.

Ҳақиқатан ҳам жасурлик, зарур жойда раҳм–шафқат қилиш, халқпарварлик, инсонпарвалик, дилбарлик, қалби тозаллик каби фазилатлар шоҳ ва шоирга онаси ва бувисидан ўтганлигини тарихий далиллар тасдиқлайди.

“Юлдузли тунлар”да онаси Хонзода бегим учун куйиб-пишишлари, гулдек опасининг кекса Шайбонийхонга хотин бўлишга рози бўлганлигидан қалби ларзага келган Бобур ҳатто мағлубиятга ҳам рози бўлгани тасвирлари реал ҳақиқатга яқинлиги билан қадрлидир, шоҳ ва шоир сиймоси, қалбида АЁЛга муҳаббати кучли бўлган, умрининг охиригача шу муҳаббат ва садоқат билан яшаган йирик шахс қиёфаси улуғворлик касб этиб боради.

Бобурнинг қизи Малика Гулбаданбегим “Ҳумоюннома” асарида отасининг бу хислатлари, атрофидаги аёлларга эътибори баландлиги, меҳрибонлиги ҳақида ёзади: “Ўн бешта подшоҳнинг хазинаси отам ҳазратларининг қўлига тушди. Ҳинд амирлари ўтган подшоҳларнинг хазинасини бировларга бўлиб бериш жанжалга сабаб бўлиши мумкин, деб эътироз билдиришган экан. Отам ҳазратлари Хожа Калон бекка шундай деб тайинлади: “Сиз бу совғаларни кекса амма ва холаларимга, опа-сингилларимга ва ҳарамдаги ҳар бир аёлга олиб олиб бориб берасиз. Мен сизга рўйхат қилиб бераман ва сиз шу рўйхат асосида совғаларни тарқатиб берасиз, Сиз девони ом турган боғда ҳар бир малика учун махсус уй қурдирасиз, унинг деворларини яхшилаб безатасиз ва зиёфат учун мўлжалланган жой тайёр бўлгач, улар ана шу зиёфат уюштириб, галабамизни нишонлайдилар ва бизнинг ҳақимизга дуо қиладилар.

Ҳар бир маликага Султон Иброҳимнинг раққоса қизларидан биттадан канизак, бир товоқда қизил лаъл, дур ва гавҳар, олмос ҳамда иккитадан патнисда Ёқут ва зумрад каби қимматбаҳо тошлар, шунингдек, ҳар бир тури тўққизтадан бўлган куйлак ва сарполар берилди.

Опа-сингилларим ва уларнинг болаларига, қариндошларимиз ҳарамдаги аёлларга, бошқа маликаларга, уй бекаларига, энагаларга ва кўкалдошларга уларнинг аёлларига, умуман, ким ўша ерда туриб бизни дуо қилиб турган бўлса, ҳаммага улуш берилди”.

Матндан олинган мисоллар кўрсатадики, , Бобур мирзо аёлларни жуда қадрлаган, доим уларнинг ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қилган. Яна бир мисол, Гулбаданбегимдан: Бобур мирзо яқинларини Кобулдан Аграга келишларини сўрайди. Олти ёшли Гулбаданбегим “онам ҳазратлари” деб эъозлайдиган Моҳим бегим билан Боғи Зоғон боғига келганларида бизни отам ҳазратлари юборган икки тахтиравон ва уч отлик киши кутиб олди деб ёзади. “Биз шошилиш тарзда йўлга тушиб, Куйилдан Агра томон йўл олдик. Отам бизни кутиб олиш учун шу боққача келмоқчи бўлиб турган экан. Шом намози пайтида кимдир келиб: “Мен малика ҳазратларини бу ердан тўрт милча масофада келаётганда ёнидан ўтиб, илдам юриб келдим”,- дебди. Подшоҳ отам отини эгарлаб келишларини ҳам кутмай, яёв йўлга чиқибдилар. У киши бизни, бизга ажратилган уй олдида кутиб олдилар. Онам ҳазратлари тахтиравондан тушмоқчи бўлганларида, у киши буни кутмай, бизга қўшилиб, бизни ўз уйлари томон етакладилар”.

Бобурнинг муҳаббати шу даражада кучли, қалби меҳрга тўла эдики, севган ёри учун жонини фидо этишга тайёр ва буни рубойларида ҳароратли мисраларда шундай ифодалаган эди:

Сен гулсен, мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласену ул шуълага кулдурмен.

Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен элга, вале сенга кулдурмен.

Ёки унинг фарзандларига бўлган меҳри муҳаббатидан ҳам “Бобурнома”, “Ҳумоюннома” сабоқ беради. Гулбаданбегимдан: “Мен подшоҳ отамнинг оёқлари остига ўзимни ташладим. Отам мендан кўпгина саволлар сўрадилар ва мени бағрига босиб, анча вақт қучоғида олиб ўтирдилар. Мен фақир бундай меҳрибончиликдан шунчалик ўзимни бахтиёр сезардимки, ундан ортиғини тилаш инсофдан бўлмас эди”.

Санъатни, адабиётни, гўзалликни севган Бобур мирзо гўзаллик тимсоли бўлган Аёлга ҳурмати баланд эканлигини унинг лирикаси кўрсатиб турибди. Бу шеърини асарларнинг асосий мазмуни ватан, ёр ва муҳаббатнинг тавсифи, ҳижрон аламларидан изтироб чекаётган қалбнинг дардларини баён этишдир.

Рубоийларида эса кўнглидаги яширин дардларини, ўз севгили ёрига бўлган муҳаббат туйғуларини, ундан айрилиб чеккан азобларини, она-юртини соғиниб, унга қайтиш орзусидаги қалб изтиробларини самимий ва ёрқин тасвирлайди:

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,

Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен.

Бобирни сенингдек ўзга йўқ ёри азиз(и),

Алқиссаки, умри жовидоним сенсен.

Ҳазрат Бобур мустақилликка эришган бугунги кунларимизда ҳам ўзининг “тақдирнома”си, фироқномаси, сабрномаси (С.Саййид) - “Бобурнома”си билан тарих сабоқларидан хулоса чиқариш илмини ўргатмоқда, Ҳазрати инсонни, Аёлни севиш, уни кадрлаш илмидан сабоқ бермоқда.

“Бобур биз учун энг ёрқин, энг маҳобатли бир юлдуз. Бу юлдуз ҳам жуда олис, ҳам беҳад юксак. Унинг завқбахш нури ҳеч қачон сўнмайди. Ана шу мусаффо нур бизу сизнинг онг ва идрокимизни ёришувига хизмат қилади. Бундан қарийб беш аср муқаддам шундай бўлган. Ҳозир ҳам шундай. Кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади” деб ёзади адабиётшунос олим И.Ҳаққулов. Ҳақиқатан ҳам Ватанни севишни, ота-она, дўстларимиз, яқинларимизга муҳаббатни, ватанпарварликни буюк Бобурдан ўрганишимиз керак эмасми! Фахр қилса арзийдиган, халқи учун фидойи аждодларимиз, дунёни лол қолдираётган миллий анъаналаримиз бор экан, уларни ҳар куни ёд этиш, уларга эргашиш ҳаётимизни, умримизни безайди, маънавиятимизни бойитади, қалбимизни ғурурга тўлдиради.

“Бобурнома”ни ўқиганда китобхоннинг кўз олдида ўша даврнинг улкан шахси, сиёсий арбоби гавдаланади. Шу билан бирга табиат ва ҳаёт ошиғи, ўзбек ва форс мумтоз адабиётини ўзлаштирган талантли шоир, хато ва камчиликларини ҳалол бўйнига олувчи мард, ўз давридаги шоирлар ижодиётига кескин баҳо бера оладиган билимдон танқидчи, ўзбек адабий тилини халқ тили қолипига солишга астойдил уринган зийрак адиб, мустаҳкам давлат куриш йўлида қийинчиликлардан қўрқмайдиган жасур, шу билан бирга Аёлни ҳурмат қиладиган, унинг қадрига етадиган олижаноб қалб эгаси сифатида ҳам ҳайратга солади. Шунинг учун “Бобурнома” ҳаётнинг жуда кўп қирраларини, шу билан бирга аёлни севишни, кадрлаш илмини ҳам келажак авлодга ўргатиши билан асрлар оша яшайверади.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПОТЕНЦИАЛА ТАЛАНТЛИВЫХ ЖЕНЩИН-УЧЕНЫХ: ФАКТОР РАЗВИТИЯ НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОГО ПРОГРЕССА

*Ахмедшина Фания Авзаловна, доктор исторических наук, профессор
Джизак, Узбекистан, Джизакский государственный педагогический
университет*

- 402
Abdullayeva Z.M. **INSONLARNING YUZ IFODASI VA IMO-ISHORALAR TURLI XIL MA'NOLARNI IFODA ETISHI.**
- 404
Abdullayeva Nargiza Erkinovna. **PAREMIOPRAGMATIKANING NAZARIY *OMUAMMOLARI.**.....
- 407
Абдувахобова Дилдора Эркиновна. **СОЦИАЛЬНАЯ РОЛЬ ЖЕНЩИНЫ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ.**.....
- 409
Ақбарова Саодат Масудовна. **КУЛЬТУРНЫЕ ПРОЦЕССЫ В ПЕРИОД АМИРА ТЕМУРА И ТИМУРИДОВ**
- 412
Alimova N. O. **JAMIYAT TARAQQIYOTIDA AYOLLARNING O'RNI.**.....
- 416
Alinazarova Dildora Valisherovna. **O'ZBEKISTON XARBIY MATBUOTI RIVOJIDA HOTIN-QIZLARNING O'RNI (XX ASRNING 20-80 YILLARI)**
- 420
M.B.Ахмедов. **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖЛАНИШИДА ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ.**
- 422
Ахмедова Шоира Нематовна. **БОБУР МИРЗОНИНГ АЁЛЛАРГА МУҲАББАТИ ХУСУСИДА.**.....
424
- Axmedshina Faniya Avzalovna.* **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПОТЕНЦИАЛА ТАЛАНТЛИВЫХ ЖЕНЩИН-УЧЕНЫХ: ФАКТОР РАЗВИТИЯ НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОГО ПРОГРЕССА.**
.428
- Axrarova Fotima Vaxramovna.* **METODIK TEXNOLOGIYALARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.**.....
- 435
Axrarova Umida Xamidullayevna. **YANGI O'ZBEKISTONDA OLIMA AYOLLARGA YARATILAYOTGAN IMKONIYATLAR.**.....
- 438
Бабажанова Дилорам. **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПЙДЕВОРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРИХ ФАНИ СОҲАСИДАГИ ОЛИМАЛАРНИНГ ЎРНИ.**.....
- 441
D.Babaxanova. **VADIIY USLUBNING USLUBIYATDAGI O'RNI.**
- 445
Boboyorova Maftuna Xakkul kizi. **УЧЕНЫЕ СОЦИАЛЬНЫХ И ГУМАНИТАРНЫХ НАУК: КЛЮЧЕВЫЕ ИГРОКИ В ФОРМИРОВАНИИ ОСНОВ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ.**.....
- 447